

**“INFINITY INSURANCE” АЖ ЯГОНА АКЦИЯДОРИНИНГ  
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ  
№ 11/2025-сонли баёни**

**Йиғилиш ўтказилган сана:** 2025 йил «07» август.

**Йиғилиш бошланган вакт:** соат 14<sup>00</sup>

**Йиғилиш ўтказилган жой:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шахрисабз кўчаси, 2-уй, “INFINITY INSURANCE” АЖ Бош офиси.

**Қарор қабул қилишда иштирок этди:**

Умумий йиғилишда жамиятнинг 100% улушга эга Ягона акциядори “INSURANCE 8888” МЧЖ номидан унинг директори А.Х. Бекчанов иштирок этмоқда.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан овоз бериш ва қарор қабул қилишга ваколатли.

**Таклиф этилди:**

Кузатув кенгashi аъзолари: Усманов Зафарбек Адхамжонович, Халилов Абдулазиз Абдушукурович, Юлдашев Фазлиддин Фахритдинович.

Бош директор С. Шарипов.

**Йиғилиш котиби:** Бош директор ўринбосари Д. Сиддиқов.

**КУН ТАРТИБИ:**

**1. Жамият Ижро органининг 2025 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.**

**2. Жамиятнинг 2025 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботини ҳамда аудиторлик ташкилотининг аудит текшируви хуносасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.**

**3. Жамиятнинг 2025 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якуни бўйича тақсимланмаган соф фойдасини тақсимлаш масаласини кўриб чиқиш.**

**I. Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан** Жамият Ягона акциядори “INSURANCE 8888” МЧЖ номидан унинг директори А.Х.Бекчанов сўзга чиқиб, сўз навбатини Жамият Ижро органи раҳбари С.Шариповга берди. Сўз навбатида С.Шарипов йиғилиш қатнашчиларини Жамиятнинг 2025 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якунлари билан таништириди. Жумладан, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига (*БҲҲС*) асосан тузилган бухгалтерлик балансига кўра, жамиятнинг умумий активлари йил бошига нисбатан 11 %га ошиб, 157,2 млрд. сўмни, жамиятнинг суғурта заҳиралари йил бошига нисбатан нисбатан 9 %га ошиб, 72,9 млрд.сўмни ташкил қилди. 2025 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якуни бўйича Жамият томонидан 3,7 млрд. сўм миқдорида соф фойда олинишига эришилган.

Шундан сўнг, Ижро органи раҳбари С.Шарипов йиғилиш қатнашчиларига кўриб чиқиш учун 2025 йил биринчи ярим йиллик фаолият якуни бўйича ҳисоботини 1-иловага мувофиқ тақдим этди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан ўзаро муҳокамалардан сўнг, Жамият Ягона акциядори,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1. Жамият Ижро органи (С.Шарипов)нинг 2025 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якунлари тўғрисидаги ҳисоботи 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.**

**2. Жамият Ижро органи (С. Шарипов)га қуидаги вазифалар юклатилсин:**

- 2025 йил учун мўлжалланган бизнес-режада белгиланган кўрсаткичлардан кам бўлмаган миқдорда ижросини таъминлаш;

- ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, жумладан интернет, мобил иловалар орқали суғурта полисларини расмийлаштириш механизмини («Е-полис») такомиллаштириш ҳамда бу орқали тадбиркорлик субъектлари ва мамлакат аҳолисига тақдим қилинаётган суғурта хизматларини янада ривожлантириш ва кенгайтириш;

- банк сектори, кредит муассасалари, лизинг компаниялари ва бошқа эмитент компаниялар билан ҳамкорликда, бинобарин уларнинг мижозларига юқори сифатли суғурта ҳимоясини таъминлайдиган комплекс суғурта хизматларини тақдим этиш орқали жамиятнинг таъсир доирасини кенгайтириш, шунингдек суғурта бизнесига янги мижозларни жалб қилиш чораларини кўриш;

**II. Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** Жамият Ижро органи раҳбари С.Шариповга сўз берилди. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг талабларига асосан бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари бўйича аудиторлик текширувидан ўтказилганини маълум қилди ва аудиторлик текшируви якунига кўра тақдим этилган МЧЖ “MY WORK” аудиторлик ташкилотининг ижобий хулосаси билан таништириди.

Шундан сўнг, С.Шарипов Жамиятнинг БХМС бўйича олинган аудиторлик текшируви хулосасини ҳамда Жамиятнинг 2025 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якуни бўйича бухгалтерия баланси ( $\Phi 1$ ) ва молиявий ҳисботини ( $\Phi 2$ ) йиғилиш иштирокчиларига кўриб чиқиши учун тақдим этди.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан ўзаро муҳокамалардан сўнг, Жамият Ягона акциядори,

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1. БХМС бўйича МЧЖ “MY WORK” аудиторлик ташкилоти томонидан Жамиятнинг 2025 йил биринчи ярим йиллик фаолияти натижалари хусусида ўтказилган аудиторлик текшируви якунига кўра, Ўзбекистон Республикасида белгиланган бухгалтерия ҳисоби меъёрий ҳужжатлари талабларига мослиги ва ҳаққонийлиги тўғрисида тақдим этилган ижобий хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.**

**2. Жамиятнинг 2025 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансан.**

**III. Кун тартибидаги учинчи масала бўйича** Кузатув кенгаши раиси З.Усманов сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2025 йил биринчи ярим йиллик фаолияти натижаларига кўра тасдиқланган баланс ҳисботида тақсимланмаган фойда миқдори **3 744 429 562,75 сўмни** ташкил этганини маълум қилди.

Йиғилиш давомида, Жамиятнинг 2025 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якуни бўйича тақсимланмаган фойдасини қўйидагicha тақсимлаш таклиф қилинди:

- тақсимланмаган фойданинг 5,0 фоизини – 187 221 478,14 сўмни (*Уставга кўра 5% миқдорида*) Жамиятнинг захира фондига йўналтириш;
- тақсимланмаган фойданинг 93,6 фоизини – 3 503 469 550,0 сўмни (*5% - 175 173 477,50 сўм миқдорида даромад солиги билан бирга, бунда ҳар бир дона акция учун дивиденд миқдори 233,0 сўм*) жамият Ягона акциядорига пул кўринишида дивиденд тўлашга йўналтириш;
- тақсимланмаган фойданинг 1,4 фоизини – 53 738 534,61 сўмни Ягона акциядор томонидан кейинги қарор қабул қилингунга қадар тақсимланмаган фойда сифатида қолдириш.



Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан ўзаро мухокамалардан сўнг, Жамият Ягона акциядори

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “INFINITY INSURANCE” АЖНИНГ 2025 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якуни бўйича тақсимланмаган **3 744 429 562,75** (уч миллиард етти юз қўрқ тўрт миллион тўрт юз ийғирма тўқиз минг беш юз олтмииш икки сўм 75 тийин) сўм фойдаси қўйидагича тақсимлансан:

- тақсимланмаган фойданинг 5,0 фоизи – 187 221 478,14 (бир юз саксон етти миллион икки юз ийғирма бир минг тўрт юз етмииш саккиз сўм 14 тийин) сўм маблағ Жамиятнинг захира фондига йўналтирилсин.

- тақсимланмаган фойданинг 93,6 фоизи – 3 503 469 550,0 сўм (5% даромад солиги билан биргаликда ҳар бир дона акция учун дивиденд миқдори 233,0 сўм, бунда ҳар бир дона акция учун 5% дивиденд солиги миқдори – 11,65 сўм ҳамда ҳар бир дона акция учун пул кўринишида тўланадиган дивиденд миқдори – 221,35 сўм) маблағ жамият Ягона акциядорига дивиденд тўлашга, яъни бунда 175 173 477,50 (бир юз етмииш беш миллион бир юз етмииш уч минг тўрт юз етмииш етти сўм 50 тийин) сўм маблағ дивиденд солигини тўлашга ва 3 328 296 072,50 (уч миллиард уч юз ийғирма саккиз миллион икки юз тўқсон олти минг етмииш икки сўм 50 тийин) сўм маблағ жамият Ягона акциядори – “INSURANCE 8888” МЧЖга пул кўринишида дивиденд тўлашга йўналтирилсин;

- тақсимланмаган фойданинг 1,4 фоизи – 53 738 534,61 (эллик уч миллион етти юз ўттиз саккиз минг беш юз ўттиз тўрт сўм 61 тийин) сўм маблағ Ягона акциядор томонидан кейинги қарор қабул қилингунга қадар тақсимланмаган фойда сифатида қолдирилсин.

Мазкур баённомада қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш Жамият Кузатув кенгаши ва Ижро органи зиммасига юклатилсин.

Ушбу билан Ягона акциядорнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўз ишини якунлади ва ёпиқ деб эълон қилинди.

**Ягона акциядор номидан,  
“INSURANCE 8888” МЧЖ директори**

 **A.X. Бекчанов**

 **Йиғилиш котиби**

**Д. Сиддиков**